


Британияда мусулмон мактабига ҳужум уюштирилди



10:20 / 28.03.2019 3807

Душанба куни кечқурун Буюк Британиянинг Ньюкестл шаҳридаги Баҳр мусулмон мактабига номаълум шахслар босқин уюштиришди, [деб хабар беради IQNA.](#)

Мактаб имоми Абдул Муҳитнинг маълум қилишича, безорилар синф ойналарини синдирган, Қуръони каримга нисбатан ёмон муносабатда бўлиб, уни полга улоқтиришган. Имомнинг айтишича, бу ҳолат ўтган уч ой давомида иккинчи мартаба қайд этилмоқда.

“Воқеанинг гувоҳи бўлган мактаб атрофидаги қўшнилари кечқурун синф ичида номаълум шахслар юрганини, синф ойналари синганини ҳақида хабар беришди”, деб интервью берган мактаб имоми Абдул Муҳит “The

Sun” нашрига. Имом полиция ходимлари билан ўша заҳоти мактабга етиб келганлар.

– Синф полида керосин ва спиртли ичимликларни кўрдим, – дейди Абдул Муҳит. – Ҳатто уларнинг намозхонада мусулмонлар ва террорчилар ҳақида гапираётганларини ҳам эшитдим. Ёшларнинг бундай сўзларни гапириши жуда ачинарли ҳолат.

Полиция мазкур иш билан шуғулланмоқда.

Хабарда айтилишича, Ньюкестлдаги бу воқеа яқинда Бирмингҳемдаги бешта масжидга уюштирилган тажовузлардан кейин рўй берган. Ўшанда ҳам масжидларнинг тўсиқлари, ойналарига катта зарар етказилган эди. Айтиш мумкинки, бундай ҳолатлар Буюк Британияда кейинги пайтларда тез-тез қайд этилаётгани расмий доира вакиллари ташвишга солмоқда. Кун кеча Лондон мэри Содиқ Хон айтиш ҳолатларнинг олдини олиш, мамлакатда исломофобиянинг сезиларли даража фаоллашиб бораётгани ва мусулмонларнинг хавфсизлигидан хавотирда эканини маълум қилган эди. Ҳатто бу масалада Бош вазир Тереза Мейга мактуб йўллаб, ҳукмрон Консервативлар партияси исломофобиянинг олдини олиш борасида, уни ирқчиликнинг бир кўриниши сифатида эътироф этишга чақириб, ўзининг таклиф-мулоҳазаларини баён этган эди.

Islom.uz